

ЖАЛДІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

21 апрель, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 76 (1078)

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ ҲАМ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Жисмоний тарбия, спорт ва маънавият» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси уюштирди. Қўмита раисининг биринчи ўринбосари Ш. Тулаганов маъруза қилди.


Ялпи мажлисларда ҳамда еттига секция иши жараёнида бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини соғломлаштиришни самарали усуллари кидириб топиш, кишиларни болалик пайтида жисмоний тарбия ва спортга қизиқтириш каби долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Шунингдек, экологик вазиятнинг тиббий шароитга таъсири, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришда фаннинг тугган ўрни сингари муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Қисқа муддат ичида малакали жис-

моний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор берилди. Бугунги кунда бундай ўқитувчилар қишлоқдагина эмас, шаҳарда ҳам етишмаяпти. Конференцияда шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт масалари билан шуғулланадиган барча вазирликлар, идоралар ва спорт ташкилотларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш лозимлиги ҳақида ҳам таклиф киритилди. Бу қилинаётган ишларнинг самардорлигини ошириш имконини беради.

Республикамизнинг, шунингдек, Беларусь, Қозғоғистон ва Тожикистон олимларининг жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилаётган ишлари ҳақидаги ахборот конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев иштирок этди. (Ў.А.)



Уйчи туманидаги Навоий номи жамоа хўжалигининг 2-бригадаси механизатори Олимжон Турсумов мана 35 йилдирки чигит экиш мавсумини далада ўтказмоқда. Бу йил у меҳнат қилаётган бригада эълонлари 75 гектар ерга уруғ қадашиб, гектаридан 45 центнердан ҳосил олишмоқчи. Бунда О. Турсумовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлиши табиий. СУРАТДА: О. Турсумов. Т. ҲАМРОҚУЛ тасвирга олган.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОҚИМЛАРИ

БУЮК ШОИР ХОТИРАСИ КУНИ

Бундан буюн ҳар йили май ойининг учинчи шаббасида хассос шоир Бобораҳим Машираб хотираси нишонланади. Вилоят ҳокими шу кунни анъанавий машрабхонлик ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу кун Машираб номидаги боғда унинг шешъарлари янтрайди. Ҳар галгидек, шоир хотираси кунни меҳр-шафқат ва хайрия белгиси остида ўтади. Камхарж оилаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, никоҳ тўйлари ўтказилади. Ёлғиз қариялар, етим болалар ва ногиронлар тўғрисида эса алоҳида ғам-ҳўрлик қилинади. Булажак тантаналар билан боғлиқ барча харажатларни маҳаллий ҳокимият ораганлари ўз зиммасига олади. Шу кун Наманганда анъанага айланган гул байрами бошланади.

ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАБ, ЎЗЛАРИ СОТАЯПТИ

Шахрисабз туманларига очик ҳиссадорлик улгуржи савдо базаси қошида тикувчилик, тўқувчилик, қондолатчилик, гилам тўқиш, новвойхона, гишт блоklar ишлаб чиқариш цехлари ва кичик корхоналари ташкил этилиб, аҳоли учун зарур бўлган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилаётган.

СУРАТДА: Тикувчи Латофат БЕГМАТОВА.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДАСТУРИ АСОСИДА

Термизда Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги тизимида касб маҳоратини оширишга бағишланган 5 кунлик республика миқтасдаш ўқув бошланади.

Европа Иттифоқи дастури асосида ўтказилаётган бу тадбирга Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат биржалари мутахассислари жалб этилди. Машгулотлари Европа Иттифоқининг тадбиркорларни кредит билан таъминлаш тизими мутахассиси, профессор Димитрес Карахалиос олиб борапти.

МАРКАЗ ДУСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Нукӯда рус миллий маданият маркази очилди.

Шунгача бу ерда қозоқ ва корейс миллий марказлари ишлаб турган эди. Янги марказ миллиятлараро дўстлик, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, давлатимиз ички ва ташқи сийосатини ҳаётга изчил талдиқ этиш борасида фаолият кўрсатмоқда.

ҚУПИ ГҮЛ УСТА

Олим Икромов раҳбарлик қилаётган кичик корхонада таяёрланаётган маҳсулотлар Пахтачи тумани аҳолисига манзур бўлди. Бу ерда ун, ёғоч, мебель сингари халқ истеъмоли моллари, ёғоч қўшиқдан девор ва шифт қопламлари, турли хил нақшли плиталар таяёрланапти.

СУРАТДА: О. Икромовнинг ўғли Ғолиб ҳам қўли гул уста бўлиб етишти.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Навоҳор туманининг «Жамил» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси Журақул Ришқулов фарзандлари кўмағида ғалабанинг 50 йиллиги шарафига 30 гектардан боғ яратди.

Унинг ибратли ташаббусини бошқа уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам қўллаб-қувватлади. Туман буйича фахрийлар кучи билан 45 гектар майдонда боғ-чорбоғ, 2 гектар майдонда теракзор барпо этилди.

Кўзилашти мавсуми қандай ўтмоқда?

ЖИЙДАЛИ яйловлари анча серуш, серсув, булоқларга бой. Шундан бўлса керак, бу ерда қўйлардан тўла олиш мавсуми ҳар йили беталофат ўтади.

«Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятининг бош чўпони Собир Пулатов қарийб йигирма йилдан бери шу яйловда қўй боқади. Отарида 450 бошдан кўпроқ совлиқ бор.

— Тўл мавсуми кўнгиладигидек ўтмоқда, — дейди Собиржон. — Ҳозиргача ҳар юз бош совлиқдан ўрта ҳисобда 90 бошдан қўзи олдик. Худода шукрлар бўлсинки, ҳали биронта қўзи ёки совлиқ нобуд бўлмади. Бунинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Аввало, барча қўйларни ўзимизга ўтказиб олганмиз, хўжалик билан шартномамиз бор. Агар битта қўй ёки қўзи нобуд бўлса, чўнтагимизга зиён. Бундан ташқари илгари сакмончи деган гаплар бўларди, даромадимизнинг кўпини қўзи боқиш баҳонасида ўшалар олиб кетарди. Бу йил янги тузилган қўзиларни ўзимизнинг болалар боқишди. Хўжалик эса ҳар бош янги тузилган қўзи ва уни беталофат ўстирганимиз учун ун олти сўмдан пул бермоқда. Ҳар юз бош совлиқдан 92 бошдан қўзи олиш ва уларни нес-нобуд қилмай парвартишда, августда яна битта отар қилишга сўз берганмиз, лекин имкониятларимиз анча катта. Биласизми, ҳозирча 62 бош совлиқ этиз қўзилади. Шуларнинг ҳисобига юзига юз бошдан қўзи оламиз, деб турибмиз.

ЮЗ МИНГ БОШДАН ОРТАДИ

Ҳозирги кунда туман яйловларида ҳаммаси бўлиб 69730 бошдан кўпроқ қўй, шу жумладан 33380 бош совлиқ парвартиш қилинмоқда. Бу йил туман буйича мавжуд совлиқлардан 31195 бошдан зиёд соғлом қўзи олиш режалаштирилган.

— Аммо кўпчилик тажрибали чўпонларнинг отарларида 60-70 бошдан зиёд совлиқлар этиз қўзилади, — дейди туман агрофирмасининг бош зоотехниги Шавкат Эрназаров. — Шулар ҳисобига август ойига бориб қўйларимиз юз минг бошдан ошади. Тўри, айрим хўжалиқларда, жумладан «Чотқол», «Галлақудуқ» хўжалиқларида баъзи отарларда тўл олишда айрим талофотлар юз берди. Лекин шунинг эътиборига қармаслик кераки, деярли барча чўпонлар молларни ижарага олган. Эътиборсизликдан қўйлар зарар чўпонлардан ундириб олинди.

Дарҳақиқат, туманда бу йилги тўл олиш мавсуми якунланган деб қолди. Кўпчилик хўжалиқларида қўзи олиш режалари ошириб бажарилди. Жумладан, «Шодималик» жамоа хўжалигида 102 фоиш, «Олмалик» ёрдамчи хўжалигида 103 фоиш, «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятида ҳам юқори кўрсаткич билан адо этилди. Утган йилнинг шу даврида эндигина 14044 бош қўзи олинган бўлса, ҳозир унга нисбатан 27 фоиш кўпайди.

Бироқ айрим хўжалиқларда қўзилашти мавсумида пухта тайёргарлик қўйилмагани сезилиб қолди. Совлиқларнинг бола ташлаши, қўзиларнинг қаровсизлик оқибатида нобуд бўлиши учраб турибти. Буларга сабаб шунки, Алишер Навоий номи ширкат жамоасида қўйлар учун хашаклар вақтида етказиб берилмади, «Чотқол» ёрдамчи хўжалигида янги тузилган қўзиларга иссиқ хоналар тайёрланмади. «Ўзбекистон» ширкат жамоасида эса янги ту-

зилган қўзиларни парвартиш қилишга, совлиқларни тўйдириб озиқлантиришга жиддий эътибор берилмади. Шунга қарамай «Ангрен», «Олмалик», Собир Раҳимов номи хўжалиқларида тўл олиш буйича эришилган ютуқлар юқоридоги нуқсонларнинг ўрнини тўлдириб юборади. Аммо, барибир айрим хўжалиқларда юз берган камчиликлар мазкур хўжалиқларнинг иқтисодига жиддий зарар етказиши муқаррардир.

Масаланнинг яна бир томони бор. Бу ерда муаммосидир. Утган йили тумандаги «Оҳангарон», Собир Раҳимов номи ҳиссадорлик жамиятлари, «Бирлик», «Шодималик», «Дустлик» ва «Ангрен» хўжалиқларида чорва учун мўл-қўл озуқа жамғарилгани ҳолда айрим хўжалиқларда бунга жиддий эътибор берилмади. Натижанда айни тўл олиш пайтида баъзи хўжалиқларда ем-хашак танқислиги сезилиб қолди. Бундан ташқари баъзи хўжалиқларда молларни ижарага ёки чўпонларга хусусийлаштириб бериш ҳамон, пайсалга солинаётгани айрим нуқсонларга сабаб бўлаётган. Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий талбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқларда чорвачиликни янада тараққий эттириш ва чорва одамларнинг мулк сифатида эгаллик қилиш ҳиссини кучайтириши учун асосий дастур сифатида хўжалиқлар томонидан бекамикўст бажарилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 20 апрель кунини бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюталарда операцияларни амалга ошириш ҳўқуқига эга бўлган ун учта банки иштирок этди.	1 АҚШ доллари	26,10	1 Латвия лити	51,48
Сотув ҳажми 13,12 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,10 сўм даражасида қайд этилди.	1 Миср фунти	7,67	1 Литва лити	6,53
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 21 апрелдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)	1 Ирландия фунти	43,12	1 Қозғоғистон тенгеси	0,42
	1 Исландия кронаси	0,42	1 Молдова лейи	5,78
	10 Испания песети	2,11	1000 Беларусь рубли	2,27
	100 Италия лираси	1,51		
	1 Канада доллари	19,08		
	1 Кувайт динори	90,31		
	100 Ливан фунти	1,60		
	1 Германия маркаси	19,04		
	1 Норвегия кронаси	4,22		
	10 Португалия эскудоси	1,80		
	1 Сингапур доллари	18,71		
	1000 Туркия лираси	0,61		
	1 Финляндия маркаси	6,12		
	4 Франция франки	5,37		
	1 Швейцария франки	3,55		
	1 ЭКЮ	34,64		
	10 Япония йенаси	3,20		
	1000 Россия рубли	5,15		
	1 Эстония кронаси	2,36		
	1000 Украина карбованеци	0,20		

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1941—1945 йиллардаги УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ВА МАМПАКАТ ИЧКАРИСИДА ИШЛАГАН МЕХНАТКАШЛАРНИ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан:

1. Фашизмга қарши фронтлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ихтиёрий ёлланган шахслар, партизанлар, яширин иш олиб борган кишилар, уруш даврида Куролли кучларда хизмат қилган ҳарбий хизматчилар ва ихтиёрий ёлланган шахслар, «1941—1945 йиллардаги Улуу Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача ўтган даврда халқ хўжалигида қамда олти ой ишлаган, «1941—1945 йиллардаги Улуу Ватан урушида «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган, «Қамалдаги Ленинградда яшаган кишига» нишони бўлган шахслар, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар ва ултернинг иттифоқчилари томонидан тузилган қамоқ лагерларида, гетто ва бошқа қамоқларида сақланган балогатта етмаган собиқ туғқинлар «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Бир йўла бериладиган қуйидаги пул мукофотлари белгилансин:

уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, шунингдек байналмилал жангчилардан бўлган ногиронларга — энг оз иш ҳақининг уч баравари миқдорда;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига; — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорда;

ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган 1941—1945 йилларда мамлакат ичкарисидан ишлаган меҳнаткашларга — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорда.

3. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Алоқа вазирлиги мукофотларни тўлаш тартибини бир ҳафта муддат ичида белгилаб қўйсинлар.

5. «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси Раиси, вилоятларнинг, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқармаларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали вазиятда топшириلسин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 апрель.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

Олий Мажлис сессияси олдидан

Дунёда шундай ҳақиқатлар борки, улар кўрсатмаларга эмас, ижтимоий қонуларга бўйсунди. Ҳозирги депутатлар қарийб эллик минг нафардан зиёд сайловчи истеҳкомат қиладиган катта ҳудуднинг вакили. Демак, у кичик одам эмас. Депутат, истиқомат, истамаймизми, барибир халқ хизматкоридир.

Чирчиқ дарёсидан олади, шунинг учун ҳам суви ширин. Бизнинг Денов шаҳрида эса артезиан қудуқлардан сув сўриб олинади. Деновнинг сувига эътироз йўқ, аммо барибир дарё сувига тенглаштириб бўлмайди. Агар, шаҳардан унча узоқда бўлмаган Тупаланг дарёсининг суви Деновга келтирилса, биринчидан, халқ шифобахш, ширин ичимлик суви билан таъминланади, иккинчидан, ҳозирги тақчиллик шароитида, қанчадан-қанча маблаг тежаллади.

БИРИ ИККИНЧИСИДАН-ДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Денов шаҳар автобус-таксомотор корхонасининг директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты Комилжон САПИЕВ билан суҳбат



ннга самолёт уча бошлайди. Биз яна Сарийосидан Фаргона водийсига ҳам ҳафтада бир кун самолёт учтириш мумкинми, деган масалани «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» авиакомпанияси раҳбарларининг олдига қўйялми. Энди бевосита ўзим депутат бўлган ҳудудга келсак... ҳалиям табиий газ масаласи муаммо бўлиб турибди. Бу масалада лозим бўлган ваколатли раҳбарлар билан гаплашдим. Хуллас, жуда катта миқдордаги газ қувурлари Деновга олиб келинадиган бўлиб турипти. Яна бир гап. Тупаланг дарёсининг суви билан, шунингдек, қўриқнинг суви билан, шунингдек, қўриқнинг суви билан, шунингдек, қўриқнинг суви билан...

хил эҳтиёт қисмларга айри-баш қилишимиз. Қисқа пайт ичида тўрт юздан зиёд турли баллонлар, аккумуляторлар, бошқа эҳтиёт қисмлар келтирилди. Эҳтиёт қисмлар етарли бўлганлиги учун режалар ортга билан уйдирилди. Ҳозир автобуслари-миз Тошкент, Хоразм, Фаргона водийси вилоятлари ҳамда Шаҳрисабз шаҳрига қатнаб турипти. Алмати, Бишкек, Ашгабат шаҳарлари ҳам тижорат йўли билан бориб келаяпти.

Ҳокамасига киритилган масалалар ҳуусидаги фикрингиз. — Маълумки, аввалги сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом лойиҳаси», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иш тартиби лойиҳаси» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бир ўқишда қабул қилинган эди. Биз ўтган мўддат ичида ана шу Низом ҳамда Қонун лойиҳалари ҳақидаги тақлиф ва мўлоҳазаларимизни тегишли кўмиталарга тақдим этганимиз. Ушбу Низом ҳамда Қонун лойиҳалари энди анча сайқал топган, албатта. Шу боис мақсуд ҳужжатлар иккинчи сессияда депутатлар томонидан қабул қилинса, ажаб эмас.

ИСПОХОТНИНГ ҚИШЛОҚҚА ОДИМЛАРИ

Кейинги йиллар ислохотлар борасида юриштилаётган ислохотчи вакилларнинг қишлоқликларини энгшида тадбиркорлик билан иш тутиши, мулкдор бўлиш бирдан-бир тўғри йўл эканига одамларни ашонтирмоқда.

Тўғри, бундан ҳамма бирдай тадбиркор бўлиб қолди, деган ҳулоса чиқмайди. Қолаверса, бу борада бюрократик тўсиқлар ҳам етарли. Бироқ одамлар кайфиятининг ўзгаришлари, ҳукумат юриштаётган ижтимоий сисбат аҳолининг фақат эҳтиёжман қатламларини ҳимоя этишга қаратилганлиги уларни фаолликка ундамоқда. Бунинг марказдан асра олинадиган Ҳа-тирич туманида ташкил топилган айрим кичик корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин.

қазидаги «Тадбиркорбанк» филиалини тўла таъмирлаб бериб, жами 273 миң сўмлик иш бажарибди. Бу жамият қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, Вазиранг Маҳмадасининг ўтган йилги санаот тараққилигини ривожлантириш тўғрисидаги қароридан кейин тараққиланган ҳам барпо этилди. Жамият раиси Уктам Шерифзаров шу йил туман ҳудудида биринчи бўлиб томат қайласи ишлаб чиқарадиган кичик цехни ишга туширишга эришди. Жамиятда 30 киши ишлади. Ўзбекистонда бошқа халқнинг энг асосий муаммоларидан бири, бола-чақасини уйли-жойли қилишдир. Қурилиш материаллари етиштирилган бир шароитда уларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналар пайдо бўлаётгани бугунги қурилиш материаллари билан боғлиқ танқислик муваққат эканига ишонч уйғотди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ИҲТИСОСИДА Самарқандда фаранг суратчи Пол Назар асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмадан ўрин олган суратлар ранг-баранг ва сермазун. Санъат шайдолари уларни катта қизиқиш билан томоша қилмоқда. Суратларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти, урф-одатлари санъаткорона тасвирланди.


Ҳазил учунми ё бошқа бир сабабга кўрами, ишқилиб, ошхона ўртасига тарози ўрнатиб қўйилган. Сабабини сўраганимизда, мижозлар овқатдан олдин ва кейин ўзларини тортиб кўриши мумкин, дейишди. Менинча, бунинг рамзий маъноси ҳам бор. Тарози бу кўчаларда ҳам бозор экинлари эсиб қолгани, давр ҳар бир нарсани етти ўлчаб, бир кесилишни тақозо этаётганидан огоҳ этиб тургандай тўб.

ИПМ МАСКАНИ ТҮНИ ОЛДИДАН

Жиззах вилояти ҳокимлигида Тошкент давлат дорилфунунининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йилгили бўлди. Унда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, Тошкент давлат дорилфунуни ректори академик Т. Жўраев, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов ва бошқа адабиёт ва илм намояндалари иштирок этди.



Пойтахтимиздаги бозорлар кийфиса кескин ўзгарди. Хусусан, Олий бозордаги савдо ша-ҳобчалари ҳам шарқона миллий услубда қайта қурилди. Яқинда ушбу бозорнинг шундоққина дўғнасида 120 хўрандага мўлжалланган «Чехра» хусусий ошхонаси ишга туширилди. Бундан бозорга қалаётган деҳқонлар жуда мамнун. Ошхона раҳбари Маҳмуджон Исоқовнинг таъкидлашича, бу ерда турли хил миллий таом-лардан ташқари нон ва нон маҳсулотлари ҳам тайёрланаркан.



СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) ошхона раҳбари Маҳмуджон Исоқов ўғли Раҳматжон Исоқов билан янги тайёрланган нонлар сифатини кўздан кечиришда; «Чехра» хусусий ошхонасининг олд кўрғини; ошпаз-кондитерлар Дилфуза Хафизова, Зухра Зиёева, Муҳаммад Қораёева ва Мунира Нортжовиёвани кўриб турибди.

Вали ДҮСТМАТОВ.

Маънавиятга доғ тушираётганлар «КЕПҚОЛИНГ, «ДИКИЙ ПЛЯЖ!..»

Мамлакатимиз бўйлаб мустақиллик шабдалари эса бошлади-ю, одамларнинг турмуш тарзи, ҳаётга бўлган муносабати ҳам ўзгарди-қолди. Ижтимоий турмушимизда содир бўлаётган улкан-улкан ўзгаришлар онгиларимизда доғ тушираётганлар бундай юборди.

Эгаменлик туйғуси бугунги кунда ҳар бир қалба бўй кўрсатмоқда, ҳар бир ақли нолирда ўзгача тусда намоен бўлаётди. Айниқса, иқтисодий ҳаётимизда янгиликлар қўчқилини ҳайратга солмоқда. Биргина бозорларимизни олиб қарайлик. Илгари кўпгина мамлакатларда тараққиёт тамал тошини бозор белгилайди, десалар, истеҳзо билан жилмайиб кўярдик, ёки чет эл бозорлари ҳақидаги ҳикояларни худди афсонадек қабул қилардик. Бугун эса у билан биз юзма-юз турибди. Ҳукуматимизнинг тадбиркорликка кенг йўл очиб берганлиги боис бозорларимиз турфа хил моллар билан бойиб бормоқда, фирма ва тадбиркорлик жамиятлари ўртасида ҳақиқий рақобат пайдо бўлмоқда.

Аммо шундай тўқичиликни текинчилик деб ўйлаётган, ориятини бўҳчаларга тугиб қўйиб, нафс ба-лосида ҳеч нарсадан тап тормаётган, қаллоб «тадбиркор»лар ҳам учраб турибди. Биз Отчоплардаги бозор участка милициясида бўлганимизда қатор-қатор ашикларни кўрсатишди. Маълум бўлишича, бир беномус сиргара кутиларини тош ва қоғозга тўлдириб, вилоятдан келган харидорга 12,5 миң сўмга пулгаган. Худди шундай ҳол чет эл сакчи-члари ва материаллари бўйича ҳам содир бўлган.

даҳасининг 18 уй, 78 хона-налонида яшовчи Баҳодир Эшонов ҳам шу турдаги сакчи-чларни қўли қўлига тегмай сотмоқда. Ён-атрофдан эса бозорни тўлдириб тез-тез қич-қирқилар жангайди.

«Халқ сўзи» мухбири Тожидин РАЗЗОҚ суҳбатлашди.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҲОЛИБЛАРИ БҮЙМИШ ҲУРМАТЛИ ФАХРИЙЛАР! ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР!

Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 50 йиллиги арафасида «ТУРОН» бирлаштирувчи акционерлик тижорат банки жамғарманинг мутлақо янги турини - «ФАЛАБА» депозит /жамғарма/ сертификатини тақлиф этади.

- У алоҳида шартларда чиқарилади:
- Номинал қиймати 1000 сўм бўлиб, 3 ой учун 37,5 фоиз тўланади.
- Мурोजаат қилиш мўддати - сотилган кундан 3 ой кейин.
- Депозит сертификати сотилган мол ёки кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб ёки тўлов воситаси бўлолмайди.
- Сертификат тўлов учун мўддатидан олдин тақдим этилган ҳолларда, у бўйича фоизлар йўқлаб олинандиган жамғармалар учун банк томонидан депозит сертификат тўлов учун тақдим этилган пайтгача белгиланган шартлардан келиб чиққан ҳолда тўланади.
- Тақдим этувчига депозит сертификати бўйича фоизлар алоҳида тўланмайди, улар жамғарма мўддати тугаган вақтда бир йўла тўланиши мумкин.
- Сертификат ўзга шахсга берилганда расмийлаштириш талаб этилмайди.
- Сертификат банкка кўрсатилган кундан кейинроқ тақдим этилганда кечиктирилган вақт учун банк устама фоизни қўшиб ёзмайди.
- Депозит сертификат бўйича ҳисоб-китоб у тақдим этилган куннинг ўзида қилинади.
- Сертификат бўйича депозит олиш мўддати кечиктирилган бўлса, унда кўрсатилган суммани ээси биринчи талаб қилганидаёқ тўлашни банк ўз зиммасига олади.
- Сертификатни фақат жисмоний шахсга инфом этиши мумкин.
- Сертификат қачон сотиб олинганидан қатъий назар банк унинг фоизини тўлайди.

«Фалаба» депозит /жамғарма/ сертификатини Сиз «Турон» БАТБнинг сотиш пунктларидан олишингиз мумкин.
Тошкент шаҳрида қуйидаги манзилларда:
«ТУРОН» БАТБ филиаллари:
Самарқанд шаҳрида, Мирзо Улуғбек кўчаси, 62;
Бухоро шаҳрида, Жарқас кўчаси, 3;
Андижон шаҳрида, Октябрь кўчаси, 214;
Навоий шаҳрида - Кармана шаҳри, Кармана кўчаси, 63;
Наманган шаҳрида, Охунбобоев кўчаси, 66;
Нукус шаҳрида, Ш. Рашидов кўчаси, 25;
Фарғона шаҳрида, Шодиев кўчаси, 150.



ФРОНТ — ФРОНТОРТИ БИЛАН МУСТАҲКАМ БЎЛГАН ЭДИ


• Факт ва рақамлар шохидлик беради

Фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага фронт ортидаги халқлар ҳам мислсиз меҳнати билан катта улуш қўшди. Фашистларнинг боқинчилик уруши ўзбек халқини ҳам катта сиводан ўтказди. Халқимиз уруш йилларида қардошлари олдидаги бурчини шараф билан адо этди.

Дунё ҳали бундай бағрикенгликнинг, байналмилал дўстликнинг шохиди бўлмаган эди. Юртимиз Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа жанг бораётган ўлкалардан эвакуация қилинган бир миллиондан ортиқ кишини ўз бағрига олди, уларга бошпана берди. Ота-оналари фронтда ҳалок бўлган минглаб болаларни халқимиз ўз болалари каби қабул қилди, уларга меҳр кўрсатди. Етим қолган болаларни тарбиялаш ишлари учун 1942 йил бошида хайрия жамғармаси очил-

ганда халқимизнинг саҳийлиги, болажонлиги яна бир қарра намоён бўлди. 1 февралга қадар кўнглили бўлиб топширувчилардан жамғармага 877800 сўм тушди. Март ойига бориб жамғарма маблағи 2 миллион 74 минг сўмга етди.

Халқимиз уйда неки бўлса, фронтдан аямади. Халқ ташаббуси билан ҳарбий техника қурилишини ривожлантириш ва химоя жамғармалари очилди. Уруш қийинчиликларига қарамай, жамғармалар маблағи халқдан тушган маблағ эвазига 5 миллиард сўмдан ошиб кетди. Шу тариқа фронт ва фронторти ягона мушт атрофида жипслаша борди. Ўзбекистон халқининг фронт ортида қилган барча меҳнатларини, заҳматларини, изтиробларини қаламга олгудек бўлсак, газета тузул, қалин китоб саҳифалари ҳам озлик қилади. Биз уларнинг баъзи рақамларига ургу бериб ўтмоқчимиз, ҳолос.



ҚИШЛОҚ ХҲУЖАЛИГИ: «ҲАММА НАРСА ҒАЛАБА УЧУН»

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 1941—1945 йилларда мамлакатга 4,8 миллион тонна пахта, 1,2 миллион тонна ғалла, 54 минг тонна ипак, 450 минг тонна гўшт, 57,5 минг тонна мева, узум ва бошқа фронт учун қимматли маҳсулотларни етказиб берди.

Ҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг бу улушини алоҳида эътироф этди. СУРАТДА: Самарқанд темир йўл бекати юк ортувчилари ўзбек халқининг фронтга йўллаган наватдаги эшелонига кийим-кечак, озиқ-овқатларни ортмоқда, 1943 йил.

САНОАТ: «БАЖАРИПГАН ҲАР БИР МАЖБУРИЯТ — ДУШМАН УЧУН ЗАРБАДИР»

1941-1945 йилларда Тошкент заводлари фронтга жуда кўплаб самолёт, авиамотор, миномёт, мина, снаряд ва бошқа ўқ-дорилар тайёрлаб, етказиб берди.

Эркалар урушга кетди. Оғир машиналарни бошқариш, дастгоҳларни юрғизишни кексалар, аёллар ўз зиммаларига олишти. Улар болаларини қаватига олиб жуذا қийин шароитларда «Бажарилган ҳар бир мажбурият — душман учун зарбадир» шiori остида энг оғир ишларни бажардилар.

1941-1945 йилларда ўзбекистон фронтга 2090 та самолёт, 17342 та авиамотор, 17134 та миномёт, 22 миллион та мина, 2318 минг авиабомба

ВА БОШҚА ТУРЛИ ЯРОҒЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРДИ.

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ 34 ХИЛ МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИБ, ФРОНТГА 7518,8 МИНГ ГИМ НАСТЁРКА, 2636,6 МИНГ ПАХТАЛИ КИЙИМ, 2221,2 МИНГ ЖУФТ ЭТИК ВА БОШҚА ТУРДАГИ КўПЛАБ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ, ЖАНГЧИЛАРГА ЮБОРДИ.

ҲА, ФРОНТ — ФРОНТОРТИ БИЛАН МУСТАҲКАМ БЎЛГАН ЭДИ.

«СЕН ЕТИМ ЭМАСАН»

Ўзбекистон 1941—1945 йилларда 1 миллиондан ортиқ кўчиб кетганлари (эвакуация қилинганлари) бағрига олди. Шундан 200 мингга ёш болалар эди. Улар болалар уйларида жойлаштирилди. 240 минг одам Тошкентдан бошпана топди ва иш билан таъминланди.

Ўзбек халқининг бу ғам-хўрлиги ўша йиллари яратилган Ғафур Ғулومнинг машҳур «Сен етим эмасан» шеърини ўз аксини топди. Ушбу шеърнинг ёзилиши,

дунёга келиши ҳақида муаллифининг ўзи шундай деган эди: — Урушнинг дастлабки кий қунларининг бирида мен республика газеталари таҳририятига кирдим. Бу ерда менга ўн тўрт болани тарбиясига олган Шомаҳмудовлар оиласи ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Юрагим тўлғонди. Мен фожиа, туғум, ўлимга қарши чиққан инсон қалби бағри кенглигининг гувоҳи бўлиб турган эдим.

Шундай қилиб ўзбек қалби кенглигини ифода этувчи машҳур шеър «Сен етим эмасан» дунёга келди.

ҚИСҚА САТРАПДАРДА

Архив материалларининг шохидлик беришича, 1941 йилнинг сўнгги кунларида Тошкентда 470 минг аҳоли яшар эди. Жанг ҳаракатлари бораётган жойлардаги аҳоли, муҳим завод ва корхоналарнинг фронтнинг орқа томонида кўчирилиши, етим болалар, қариялар келтирилиши натижасида пойтахт аҳолиси қисқа давр ичида бир миллионга етди. Бу ҳам ўзбек халқининг ғоятда бағрикенглигидан, урушнинг оғир машаққатларини ўз зиммасига олганлигидан далолатдир.

1945 йили Ўзбекистонда 268 та болалар уйи борлиги ва уларда 31320 нафар бола тарбияланаётганлиги қайд этилган.

Уруш йиллари мамлакатимизда турли хил соғломлаштириш тадбирлари ўтказилган. Жумладан, 1944 йилнинг ёзида 105 минг нафар бола, яъни фронтдаги жангчилар, ҳарбий хизматчилар, кўчириб келтирилган қишлоқларнинг болалари дам олишган, соғлиқларини тиклашган.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан фронтга озиқ-овқатлар, ноз-неъматлар, кийим-кечаклар ортилган эшелонлар узлуқсиз юбориб турилди. Жумладан, 1941 йил ноябрь ойида Бухоро вилояти колхозчилари фронтга 18 вагон озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар юборган. Андижонликлар эса 7 тонна ҳўл мева, 2 тонна гурч, 1800 килограмм асал, 25 тонна тарвуз тортиқ қилган.

1941—1945 йилларда Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг киши фронтга кетди. 400 минг киши фронтдан қайтмади.

Уруш йилларида Ўзбекистонда 280 та sanoat корхонаси ишга тушди.

Уруш йилларида Ўзбекистонга келтирилган ярадорларнинг 44,6 фоизи соғайиб армияга, 52,2 фоизи фронторти меҳнатида қайтган.



СУРАТДА: «Таначи — Бўка» каналининг очилиши тантаналари.

Ўзбекистон меҳнатқашлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, фронтга озиқ-овқат ва енгил sanoat маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш мақсадида оғир шароитларда Фарҳод ГЭСи ва бошқа бир қанча сув иншоотлари қурилиши ишларини олиб боришти. Асосий ишлар қўл кучи билан бажарилди.

Асосан эркалар ишлаши лозим бўлган Ангрен кўмири конида уруш йиллари иш тўхтаб қолиши мумкин эди. Лекин ўзбекистонлик аёллар жасорат кўрсатиб, эркалар иш ўринларини эгалладилар.

1944 йил май ойида Тошкент ҳарбий округи госпитали 75 йиллик юбилейи муносабати билан жангчи-фронтчиларни даволашда эришган ютуқлари учун орден ва медаллар билан мукофотланди.


1941 йил, қаҳратон қиш. Душман тобора Москвага яқинлашиб келмоқда эди. Ана шу кезларда Ўзбекистон ўзининг минглаб жасур ўғлонларини фронтнинг олд чизиқларига юбориш билан чекланиб қолмади, балки ҳаракатдаги қўшинларга моддий ва маънавий кўмак беришга, уларга куч-қувват бағишлашга бел боғлади.

Янги, 1942 йил арафасида шаҳар ва қишлоқлардан кўп миқдорда озиқ-овқат, нозу-неъмат тўланди. Иссиқ кийим-бошлар тикилиб, тайёрланди. Ҳаракатдаги қўшинларга мадад, қўшимча куч берувчи бу нарсалар 52 вагондан жой олди. Бу ўзбекистонликларнинг уруш йилларида озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак орғиб юборган юзлаб эшелонларидан бири эди. Эшелон жўнашилган олдин делегация аъзолари воқалта келидилар. Унга ўзбек халқининг оқ-соқоли Йўлдош Охунбоев бошчилик қиларди. У киши йилнинг охирида мурожаат қилиб, қуйидаги сўзларни айтганди: — Ўзбекларда бир майини ҳиққ киши бўлиб еган, деган нақд бор. Майиз ҳам бор бу

52 ВАГОНГА ЖОЙЛАНГАН ЯНГИ ЙИП СОВҒАСИ

чагина кишига етади. Янги йил совға-саломиди, бу! Вақтида соғ-саломат етказаск бўлгани. Янги йил совғаси 1942 йилнинг дастлабки кунлари Ғарбий фронт қўшинларига етказилди. Генерал Л. Говоров кўмондонлик қилган армия қисмидаги ўзбекистонликларнинг совғаси катта шоду-хуррамлик билан кутиб олинди. Ноз-неъматларни баҳам кўришдан ҳам кўра замбарак ва тўшлардан ажал ёмғирлари ёйиб турган шароитда жангчиларини

нғ Ўзбекистон нафаси уфуриб турган совғаларни қабул қилишлари уларга катта маънавий куч-қудрат, руҳ бағишлади. Делегация сафида бирига келган ўзбекистонлик санъаткорларнинг ертўлаларда, жангтоҳларда концерт намойиш этишлари эса янада оғир тушди. Ўзбекистон делегациясининг маънавий кўмагидан, маддаидан ғоятда руҳланган Ғарбий фронт жангчилари: «Фашистларни ўз уяларигача қувиб бориб, тор-мор келтирамиз!» — дея қасамд қилдилар. Бир йилдан сўнг Ғарбий фронт қўшинлари ўз қасамдлари учундан чиққанлиги ҳақида рапорт бериб, Ўзбекистонга ўз делегациясини юборди. Делегация орасида самарқандлик қаҳрамон жангчи М. Элмуродов, янгийўллик С. Сатторов, вобкентлик Б. Абзалов ва бошқалар бор эди. Шунингдек, улар ўзбек халқига ўз миннатдорчиликларини ифодаловчи хат ҳам келтиришти.



ЮРТИМИЗ БРОНЕПОЕЗДАРИ

Фронтнинг олдинги чизиғида ҳаракат қилаётган қўшинларимизни қурол-яроқ, озиқ-овқат билан таъминлаб туриш, асосан поезид эшелонлари зиммасига тушарди. Ҳар кун 6 та эшелон фронт ичкарасига кириб борган бўлса, шундан 4 тасида бронепоезд бўларди. Бундай поездларнинг фронт учун ғоят зарур бўлгани учун уруш йилларида Ўзбекистонда 3 та бронепоезд яратилди. «Ўзбекистон», «Комсомолец Ўзбекистана», «Красновосточный» деб номланган бу бронепоездлар уруш давомида ўзбек халқининг мадад кўчларини фронтнинг олдинги чизиқларига етказиб турди. Айни кунда «Ўзбекистон» бронепоезиди Москвадаги Куроли кучлар музейида сақланмоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистонда яратилган бронепоезд, 1942 йил.

«МАРАТ» ПИНКОРНИНИНГ ТАШАККУРИ

Ўзбекистон меҳнатқашлари уруш йилларида фронтнинг олдинги чизиқларида ҳаракат қилаётган армия ва ҳарбий қисмлар билан яқиндан алоқа қилиб турди. Ўша машғум йилларнинг оғир давларида Ўзбекистон Суворов ордени совриндори, Қизил байроқчи ўн иккинчи Минск дивизиясини, Суворов ва Кутузов орденлари совриндорлари, Қизил байроқчи бешинчи Орлов ва 162-ўрта Осиеў ўқчи дивизияларига Болтик фронтига қарашли «Марат» линкорига ҳамда «Тошкент» ва «Самарқанд» номлари билан аталган жанговар кемаларга оталиқ қилди.

«Марат» линкори жангчилари Ўзбекистон ҳукуматида қуйидагича ташаккурнома ёзган эдилар: «Биз ҳақимиздаги оталарча ғам-хўрлигиниз учун Сизга ва сиз орқали бутун ўзбек халқига чин юракдан самимий ташаккур айтмаиз. Бу ғамхўрлик бизга янги куч-ғайрат бағишлайди. Яна янги жасорат кўрсатишга илҳомлантиради, фашист боқинчиларини шафқатсиз қириб ташлашга давлат этади».

Ғалабага ундаган қўшиқлар

Уша даҳшатли йилларда халқ озаки ижодиёти, шу жумладан, жанговар қўшиқлар, айниқса, кенг кулач ёйди. Фронтларда жанг қилиб, Ватанимизни ҳимоя қилаётган жангчиларнинг ота-оналари, опа-сисиллари сукуля ёрларининг йўқлигини биланштирмай, кеча-ю кундуз тинимсиз меҳнат қилиш билан бирга жангчилар ҳақида, Ватан ҳақида ажойиб қўшиқлар тўқидилар:

Менинғ ёрим кетдилар, Уруш жойига етдилар. Фашист ўлғурни қўймай, Каторлатиб отдилар. Уруш қардош халқлар каторида ўзбек халқи учун ҳам катта сивод бўлди. Фашизм ҳамла қилётган бир пайтда Ўзбекистонда Фарҳод ГЭСи қад кўтарди. Ширин ва Бекободдай янги шаҳарлар бунёд этилди. Республикамизда оғир саноатнинг негизи бўлган қора металлургия саноатига асос солинди. Қизил аскарларимизнинг фронтдаги мислсиз қармоқчилари ҳукумат томонидан орден ва медаллар билан тақдирланганини

«ЁВНИ ЕНГГАН АКАМЛАР, ОРДЕН ТАҚИБ КЕЛАДИ»

эшитган жангчининг ёри: Орден олибсиз, ёрим, Озодлик урушида. Мен ҳам нишондор бўлдим, Колхозимиз ишида — дея қўйлайди. Қўшинларимиз дийримиш ва халқларнинг озод, эркин ҳаётини сақлабгина қолмасдан, фашизм асоратига тушиб қолган бутун Европа халқларини ҳам кулликдан озод этди. Энди ав-

сиз жанг оловларида тобланган фронт аскарларининг тезроқ қайтиб келишини орау қилган келинлар:

Сочларимни тарайман, Ғижим рўмон ўрайман, Фронтдаги ёримнинг Йўлларига қарайман,

Шодиенали кунлар етиб келаятганига чиндан умид боғлаган синигиллар:

Олма оқиб келади. Беҳи қалқиб елади. Ёвни енгган акамлар, Орден тақиб келади — деб ялла килдилар. Бу қўшиқларни Халима Носирова ва Тамарахоним Москва бусасаларидаги жангтоҳларда турли тилларда қўйлади. Ғавҳар Раҳимова дастаси деворли ҳамма фронтларда хизмат қилди. Бу даста ҳатто Берлин остоналаригача қўлида соқ билан кириб борди.

Биз фашизмга қарши уруш даврида яратилган халқ қўшиқларида инсоннинг ашаддий душмани бўлган Гитлер ва унинг қаллакесарларига қарши кўзгалган халқ газоби ва нафратининг накадар кучли эканини кўрамаиз.

Неъматилла ИСАМАТОВ, халқ маорифи аълочиси.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲИССАСИ

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йил 22 октябрь соқи «Ўзбек халқининг жангчилари, шонлини оқлангиз, асло чекимангиз, душманни баттамом тор-мор этингиз» «шапка»си остида чиқди ва газета «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактубини эъди қилди.

Ўзбекистон матбуоти халқни ғалабага бўлган ишонч атрофида жипслаштиришда фаоллик кўрсатди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда «Қизил Армия», «Қизил Армия ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Ватан шарафи учун», «Душманни тор-мор этишга», «Бонг», «Суворовчи», «Атакага», «Фронт ҳақиқати», «Красноармейская правда», «Ватан учун», «Душманга қарши олға» каби ўнлаб газеталар чоп этилди.

Бу нашрларнинг мазмун ва моҳияти, олдида қўйган мақсади ва қолаверса, буюк ғалабада тутган ўрни уларнинг аксариятининг номланишидан ҳам яққол кўриниб турибди. Ўзбек тилида чоп этилган газеталар, нафақат, Ўзбекистонда, балки фронтнинг олдинги чизиқларида ҳам тарқатилди. Фронт ва фронт орти матбуот туфайли бири-бири билан узвий боғланди ва улғу мақсад йўлида янада жипслашди, мустаҳкамланди.

МИЛЛИЙ ДИВИЗИЯЛАР



отлиқ дивизиялари тузилди. Ушбу дивизияларнинг фаолияти тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган. Зеро, миллий дивизияларимизнинг кўпчилиги жанговар орден ва мукофотлар билан тақдирланди. СУРАТДА: ўқчи бригада фронтга жўнаб кетишдан олдин. 1942 йил.

Ўзбекистон фронтга жуда кўплаб тиббиёт мутахассислари, ҳамшираларни етиштириб берган. 1941 йилдан 1945 йилгача Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари 3257 нафар врач, 4864 нафар тиббиёт ходимларини тайёрлаган.

ИЗПЛАНИШ ВА ИСТЕЪДОД СЎНМАДИ

1943 йил 27 сентябрда СССР Халқ Комиссарлари Советининг «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисида» қарори чиқди. Ўзбекистон уша оғир йилларда келажакни бунёд этиш ишига ишонч билан қўл урди. Зеро, фронтнинг олд чизигидан эвакуация қилинган, келажак ворислари бўлмиш юз минглаб болаларни вояга етказиш Ўзбекистон зиммасига юклатилган эди. Уруш даври қийинчиликларига қарамай, 1945 йили республикада халқ саводхонлиги, болалар таълим-тарбияси учун 705 миллион сўм сарфланди. 1941 йилда бу мақсадлар учун ажратилган маблағ 538 миллион сўмни ташкил этган эди. Маблагнинг ярмидан кўпи умумтаълим учун, қолган асосий қисми эса интернат ва болалар уйларини ташкил этиш ҳамда мактабгача тарбия ташкилотларининг ишлари учун сарфланди.

(Саҳифани «Халқ сўзи» муҳбири Рауф Жумаев тайёрлади).

Ажойиб тақдирли кишилар

Мен эдингизга ишгирма беша кирдим. Шундай бўлса-да, одам кексайганда кўпроқ нимани кўмасини ҳозирдан ҳис қиламан.

Болаликнинг осмони кенг, болаликнинг осмони бокира. Унда таъма йўқ. Хўрсиниш бор. У шундай бир мискин хўрсинишки, унинг зарбида букчайиб кичкинагина бўлиб қолишинг ҳеч гап эмас.

Бир зум эътиборинг қарат фаррошга, Умри тугаб бўлган хазонини ёқар.

Дарахтлар яралган сабру бардошга, Бу ҳолга кўншкан онадай боқар.

Хазонлар дарахтнинг болаларидир, деган шоир ўта некинчидир. У кеч қузда бор бисотидан айрилиб, ердати хазонларга ичкин «қараб» турган дарахтни болаларидан жудо бўлган, ҳаёт шифқатсиз эзиб ташлаган мушфиқ онага ўхшатади ва унинг ҳолидан эзилди.

Менинг билишимча одам эллиқ ёшга кирганда имкониятлари бир қадар чекланган бўлади. Ехуд унинг ўзи шундай деб ўйлайди.

Хар қалай йигирма ёшли йигитча қўл урган тавақкал ишга эллиқ ёшлардаги одам ҳайқириб қарайди. Ёки умуман эътибор бермайди. Мен билангина бир одам эса айнан эллиқ ёшда шерь ёза бошлади.

Аксинча, шундай одамлар бўладики, олдидан бир дунда ишласа-да, ҳайбатидан от хурқиди... Албатта, бунинг асосий гапга ҳеч қандай алоқаси йўқ...

нинг қизиқ одатлари бор. — дейди янгамиз. — Агар фермерларга борадиган бўлса таом. Шу ёқларда қолиб кетади. Болалар катта бўлгачи, нима деб ўйлайди, деган гап ҳаёлига келмайди.

Ҳақиқатан ҳам Юсуф аканинг феъли қизиқ. Гоҳи қилиқлари болага ўхшайди. Жуда содда, беғубор. Уттан сайловда унинг номзоди вилоят кенгаши депутатлигига қўйилган, рақибиди маҳаллий врачлардан бири эди.

Эллиқ ёшда шерь ёза бошлаган одам

ОЧЕРК

Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.

Юсуф Ёқубнинг бошқа одамлардан фарқи томонлари йўқ. Оёғини мармар зиналарга қўйиб, дунг пешонасига қўларини тираб, жиддий тушган суратларини йўқ.

Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.

Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.


Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.

Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.

Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.

Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.

Биз юқоридан анча ҳис-ҳаяжонга берилдик. Ва шу туйғулар билан ярим ардан кейин юз кўрсатган фақуллода истеълода исм изладик.



Беғубор болалик. Х. МИРЗАКАРИМОВ сурат-лавҳаси.

Соғлом бўлишни хоҳлайсизми? АСК «Барқор»га мурожаат қилинг. Бизнинг компаниямиз Европа системаси бўйича тиббий тикланишни амалга оширади.

РОМИТОН ГУППАРИ-ПОЁНДОЗДА

Ромитон туманидаги Файзи Курбанов номи жамоа ҳўжалигида Хева гиламлари нухсасида маҳсулот ишлаб чиқаришда янги цех фойдаланишга топширилди.

ИНТИЗОМ БОР ЖОЙДА ОПДИНГА СИПЖИШ БОР

Олий лиганинг янги вақили Муборакнинг «Машъал» жамоасининг ўз майдонда «Темирйўли» (2:0) «Атлас»нинг олимпия терма жамоасининг асосий ўйинчилари тўп сураётган «Политотдел» командасини (3:1) мағлубиятга учратди.

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!

Ҳақамлар ўзини тутта билмаган футболчиларни аямай дарров оғохлантириш кўрсатиб, тўғри қилапти. Ахир қачонгача майдонда ажойиб футбол учрашувини эмас балки, ўйинчиларнинг тараф-тароф бўлиб бир-бирларига хезланишларини, ҳақамлар билан ёқа-мушт бўлишгача етишларини тамоша қиламиз.



«Тридцать Плюс» кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.


Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 134-ўрта мактабининг гербли (думалоқ) муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«СОВПЛАСТИКАЛ» ҚўШМА ҚОРХОНАСИ БУТУН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50-ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Випоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«Гарант» МУ турли шаклдаги синхрон электр двигателлари ва уларнинг статорларини бозор нархидан 30 фоиз арзон баҳода сотади.

«БАРИШ-ТИЖАРЕТ» Шўба ширкати Тошкент шаҳридаги оմборидан Туркиядан келтирилган халқ истеъмолчи молларини нақд пулсиз тўловларда тўндан сотади.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



«Тридцать Плюс» - ёшлиқ ва соғломлик демакдир.